O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 2-iyun • Payshanba • 67 (27.402) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

1 июнь куни парламент юқори палатасида «Дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш процесслари устидан суд назорати» мавзуида бўлиб ўтган семинар Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Иштирокчилар муҳокама доирасида суд-ҳуқуқ ислоҳотининг истиқболлари ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисидаги, дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш процесслари устидан суд назоратини ташкил этишдаги муаммолар, ишни судга қадар юритишга доир халқаро тажриба, суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалга оширишда судьяларнинг роли ҳақидаги маърузаларни тингладилар.

Бўлиб ўтган қизғин баҳс-мунозаралар асносида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноят процессидаги ҳаракатлари устидан шикоят бериш тартибини такомиллаштириш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқларини суднинг ваколатига ўтказиш масалалари кўтарилди. Айни бир вақтда айбсизлик презумпциясига доир конституциявий принципга, шунингдек тергов ҳаракатларининг бошланғич босқичиданоқ тортишув принципига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари алоҳида урғу бериб айтдиларки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада либераллаштириш юзасидан таърифлаб берилган вазифаларни амалга ошириш бу йўналишда чинакам амалий қадам бўлиб қолади. Ана шу муҳим ишда давлатимиз раҳбарининг «Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён» деган сўзлари шиор бўлиб қолиши мумкин.

Жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада либераллаштириш, дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, процессуал қарорлар қабул қилишда судьянинг чинакам мустақиллигини таъминлаш юзасидан семинарда бир қанча таклифлар билдирилди.

Семинар ишида сенаторлар, депутатлар, етакчи ҳуқуқшунос олимлар, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг, илмий муассасалари ва олий юридик ўқув юртларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА)**




## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

***Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч — билим ва тафаккурда» деган бўлардим.***

**Ислом КАРИМОВ**

Дарҳақиқат, эртанги кун, миллат тараққиётини белгиловчи бош омил — маърифатдир. Ушбу ёруғ мақсадларнинг ижобати бўлиб, бугун мамлакатимизнинг буюк келажагини бунёд этувчи улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлган истиқлол умидлари мактаб, лицей, коллеж ҳамда олий ўқув юртларида камолга етмоқдалар.

Гулистон академик лицейи 1999 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда бу илм масканида 476 нафар ўқувчи аниқ, табиий-илмий, хорижий филология, ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича таҳсил олмоқда. Уларга 73 нафар моҳир ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Бу ерда маънавият хонаси, замонавий спорт зали, компьютер ва лингафон синфлари, кимё, биология ва анатомия лабораториялари, 300 ўринли ётоқхона, телестудия, ўн беш минг китоб фондига эга бўлган кутубхона мавжуд бўлиб, булар ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим олишларига хизмат қилмоқда. Лицей ўқувчилари ўзлари танлаган мутахассислик бўйича билимларини ошириш ва муайян фан асосларини чуқур, мукаммал ўзлаштириш имкониятига эга. Илм масканида 45 кунда тест синовлари, ҳар ярим йилда эса имтиҳонлар ўтказиш йўли билан ўқувчилар билими назорат қилинади. Шунингдек, тармоқлараро масофадан ўқитиш тизими жорий этилган бўлиб, бу усул ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.





Ўтган 2004 йил лицейнинг фидойи жамоаси ҳаётида ўчмас из қолдирди. Билим даргоҳи директори Саме Саматовга мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» шарафли ва юксак унвони берилди.

— Бугун Президентимиз томонидан янги замон илм масканларига юксак эътибор берилаётгани ҳамда бу соҳа учун жуда катта миқдорда маблағ сарфланаётганининг ўзи ҳам биз мутасаддилар масъулиятини оширмоғи зарур, — дейди Саме Саматов. — Мамлакатимиз раҳбарининг Тошкент давлат техника университети қошида коллеж, лицейлар учун ўқитувчилар тайёрлайдиган қўшимча факультет ташкил этиш ҳақидаги таклифи айни кўнглимиздаги иш бўлди. Биз амалга ошираётган ислоҳотларнинг натижаси энг аввало кадрларга, уларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганидек: **Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур...**

✧✧✧

**Суратларда:** лицей фаолиятидан лавҳалар.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ЎзХДП хабарлари

## МУЛОҚОТЛАР, СУҲБАТЛАР, УЧРАШУВЛАР

Маълумки, жойларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайловчилари билан учрашдилар. Когон туманида ҳам худди шундай тадбир бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш керакки, бу мулоқот ҳам шаклан, ҳам мазмунан бошқача кўриниш касб этди. Сайловчилар ўз депутатлари Шавкат Каримовдан у ёки бу масалада ёрдам сўрамадилар. Аксинча, Қонунчилик палатаси иш фаолияти, унда кўрилаётган масалаларнинг мақсад, моҳияти ҳамда ўзлари ишонч билдириб сайлаган депутатларининг қайси қонунга қандай ўзгартириш киритиш кераклиги таклифи билан чиққанлигига қизиқдилар. Бу ҳақда депутат ўз сайловчиларига атрофлича гапириб берди. Шунингдек, Андижон воқеалари хусусида ҳам тўхталиб, барчани ҳушёрликка даъват этди.

Учрашувларда туман ҳокими Карим Ҳайитов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов иштирок этдилар.

✧✧✧

Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДПнинг палатадаги фракцияси аъзоси Шарбат Абдуллаева Олот туманидаги «Чорбоғ» фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи сайловчилар билан учрашди. Депутат тўпланганларга Қонунчилик палатасидаги фаолияти ҳақида атрофлича гапириб берди. Шунингдек, у Андижон воқеаларига тўхталиб, сайловчиларни ҳушёрликка чақирди.

Учрашувда сўз олган Тўхтамурод Маматов, Очил Давлатов, Искандар Шарипов сингари сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Шу билан бирга улар ўз меҳнат жамоалари ҳамда яшаш жойларида диний ақидапарастлик, терроризмга қарши тарғибот ишларини янада кучайтирганликларини алоҳида таъкидладилар.

Учрашувда туман ҳокими Итолмас Хўжаев қатнашди.

Худди шундай учрашув Қоракўл туманида ҳам бўлиб ўтди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Косонсой Наманган вилоятининг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош тоғли туманларидан. Май ойининг сўнгги кунларида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати Нўъмонжон Аҳмаджонов Косонсойда — сайловчилари ҳузурида бўлди.

— Тумандаги Тагижар, Боғишамол, Косонсой шаҳарчасидаги Маҳдуми Аъзам, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Саъдий Шерозий маҳаллаларида, шунингдек, Косон, Тегарчи, Кўкумбой қишлоқлари ва ўндан зиёд ўрта мактабларда тўпланиб, ўз депутатлари билан учрашган сайловчилар 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган ғараз ниятли кимсаларнинг кирдикорларига асло қўшилмасликлари, айниқса, фарзанд ва набираларини нобакорлар таъсиридан сақлаб қолиш чоралари хусусида фикрлашдилар.

Депутат ўз сайловчиларига яратилажак қонунлар, уларда халқ манфаатлари ва айрим муаммоларнинг ифодаланиши ҳақида ҳам гапирди. Сайловчилар ўз таклиф ва истакларини очиқ баён этдилар. Депутат билан мулоқот пайтида шахсий масалалар бўйича маслаҳат сўраганлар учун алоҳида вақт ажратилди. Сайлов округининг Янгиқўрғон тумани ҳудудида ҳам ўз сайловчилари билан юзма-юз мулоқотда бўлган депутат Косонсой тумани ҳокимлиги биносида ташкил этилган қабулхонада 58 нафар сайловчини қабул қилди.

Учрашувларда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Косонсой туман бўлими раиси У.Валиев, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокимининг ўринбосари Т.Мўйдинова ва бир қатор фахрийлар қатнашдилар.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақличева Амударё туманида ўз сайловчилари билан учрашди.

Халқ фаоллари ва кенг жамоатчилик қатнашган ушбу учрашувда икки палатали парламент фаолияти, қабул қилинаётган қонун лойиҳалари, шунингдек, депутатнинг қонунчиликка аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қиладиган таклиф-мулоҳазалар киритиши каби масалалар тўғрисида сўз юритилди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бир қанча қонунлар қабул қилинди, — деди депутат Г.Аннақличева. — Уларнинг ҳаммаси аҳолининг ижтимоий турмуши, жамиятимизнинг ривожланишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда иш режамизга шундай қонунлар лойиҳаларидан яна бир нечтасини тайёрлаш киритилган.

Депутатнинг ўз сайловчилари билан бўлган шундай учрашувлари Нукус ва Тахиатош шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎзХДП янгиликлари

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЎзХДПдан халқ депутатлари **Бухоро вилоят** кенгаши депутатлигига сайланган Муҳаббат Тешаева ташаббуси билан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан бир гуруҳига ёзги дам олиш оромгоҳларига йўлланма берилди.

**Қашқадарё вилоят кенгаши** томонидан Қарши шаҳридаги Т.Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқали драма театрида болалар учун «Қадим Насафда тўй» номли театрлаштирилган концерт томошалари ташкил қилинди. Унга Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам таклиф этилди.

**Вобкент туман кенгаши** ва «Камолот» ЁИҲ бўлими ҳамкорлигида ёш ўқувчилар ўртасида «Яшил чироқ» кўрик-танлови ўтказилди. Йўл қоидаларини яхши биладиган ўқувчиларга совғалар топширилди.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

## БОЛАЛАРНИНГ КАТТА БАЙРАМИ

«Туркистон» саройининг ёзги саҳнасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган катта ва ёрқин байрам бўлиб ўтди. У «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Байрам «Ҳар бир фарзандга — меҳр-эътибор!» шиори остида ўтди. Унинг асосий иштирокчилари меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари бўлди.

Учрашувда таъкидландики, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида болалар жисмонан соғлом ва баркамол вояга етиши учун уларни тарбиялаш, саломатлигини ҳимоя қилиш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ҳужжатлар бунга мисол бўлади. Давлатимиз раҳбари томонидан Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинган жорий йилда бу айниқса яққол сезилмоқда. Халқаро стандартларга жавоб берувчи янги ўқув муассасалари, саломатлик марказлари, ихтисослашган тиббий муассасалар бунёд этилмоқда.

Болалар байрами яна шуниси билан эътиборли бўлдики, халқаро фестиваллар, танловлар, олимпиадалар ва бошқа кўриклар якунлари эълон қилинди. 2004 йилнинг ўзида болаларимиз кўплаб республика, халқаро танловларда ғолиб чиқди. Ғолиблар саҳнага чиққанда томошабинлар уларни қарсаклар билан қарши олди. Улар орасида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» ғолиблари Фарангиз Умарова ва Нодирбек Зоитов, Санкт-Петербургда ўтган «Сияние звезд» болалар ижодиёти халқаро фестивали совриндори Саша Эгай, «Шанкар» (Ҳиндистон) болалар расмлари халқаро танлови ғолиби Насиба Айтмуродова, математика бўйича халқаро олимпиада ғолиби Максим Болонкин, она тили бўйича республика олимпиадаси совриндори Ирода Болиева, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Темур Гареев ва бошқалар бор.

«Севинч», «Томоша», «Аладдин» каби болалар жамоалари йиғилганларни ўз чиқишлари билан хурсанд қилди. Томошабинлар ёш ижрочилар билан бирга куйладилар ва рақсга тушдилар. Ёш спортчиларнинг махсус дастури қизиқарли бўлди. Зеро, бир неча кун аввал «Баркамол авлод» спорт ўйинларида пойтахт терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллаган эди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

*Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг,*
*Қутқариши мумкин дунёни...*

4-бет

Ота-она — фарзанд — жамият

# ЖАҲОЛАТ ВА ЁВУЗЛИК САБОҚЛАРИ

## ЁКИ АЙРИМ ЁШЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛАР ТАЪСИРИГА ТУШИБ ҚОЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Бугун каттами-кичикми, Шаркда яшайдими, Ғарбдами, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, миллати ва динидан қатъи назар, диний экстремизм ва халқаро терроризм нима эканини билмайдиган халқ қолмади. Террорчилар ўзини «ислом дини ҳимоячиси» дейдими, «Аллоҳ йўлида курашувчи» дейдими, қандай ниқобланмасин, барибир, одамлар ҳақиқатни тобора чуқуррок англаб етмоқда. Бу қора кучлар ҳеч кимга — норасида гўдакми, ҳомиладор аёлми, муштипар онами, мўйсафид отами, раҳм-шафқат қилмайдиган, қон тўкувчи, ёндирувчи, вайрон этувчи бало-қазо сифатида одамлар онгида муҳрланиб бўлди.

Бу қабиҳликлар халқимизга етти ёт бегоналиги, унинг илдизлари, ташкилотчилари, ғоявий раҳбарлари, ҳомийлари бошқа юртларда экани ҳам бугун ҳаммага беш қўлдек аён. Фақат бир нарса кишини қаттиқ ўйга толдиради: юртимизда туғилиб, вояга етган, неча асрлардан буён ислом оламининг устунлари ҳисобланиб келаётган улуғ зотлар, азиз авлиёларнинг бугунги авлодлари қандай қилиб зоти номаълум ажнабий кимсалар, на диний, на дунёвий билимдан бехабар чаламуллалар тузоғига илиниб, улар қўлида қўғирчоққа айланиб қолишмоқда?

Ёвуз кучлар ёшларимизни қайси йўллар билан итоаткор қулга, бошқача айтганда қулоғи кар, кўзи кўр, қалби мажрух зомбиларга айлантириб олишмоқда? Ўн гулидан бир гули очилмаган навниҳол ёшларни қандай қилиб ҳеч бир динга тўғри келмайдиган, ақлга сиғмайдиган телбаларча хатти-ҳаракатларни содир этадиган ҳолатга олиб келишмоқда?

Андижонда рўй берган мудҳиш воқеалар, диний ақидапарастлик билан онги заҳарланган, алданган ёшларнинг террорчи тўдага қўшилгани, пешонаси деворга урилиб, кўзи очилганларнинг «адашиб қолибман, улар бунчалик ваҳшийлигини билмабман», дея ҳўнг-ҳўнг йиғлаб тавба қилаётгани, бағри куйган соддадил ота-оналар фарёди бу саволлар устида янада чуқуррок ўйлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бугун дунёда 250 дан ортиқ мамлакат бўлса, қайси куч, қайси ақл билан, қандай қилиб уларни енгиб, халифат тузиш мумкин? Уларнинг ҳаммасини бир мафкурага, бир халифаликка бўйсундираман дейиш бориб турган девоналик эмасми?

Бу муддаолар қанчалик хомхаёллиги, ҳаётдан йироқлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат борми? Бугун инсоният XXI асрда яшаяпти, қадами ойга етиб, энди Марсни мўлжаллаб турибди.

Диний ақидапарастлар ўзларини гўё ислом дини ҳимоячиси қилиб кўрсатади. Аслида эса динимиз шарафига доғ туширишмоқда, унинг халқаро нуфузига путир етказишмоқда. Шўро замонида оёқости қилинган динимиз мустақиллик туфайли, Президентимиз ташаббуси билан ўз қадрини тиклади. Муборак Рамазон ва Қурбон ҳайитлари халққа қайтди. Шўро замонида омборхоналарга айлантирилган муқаддас обидалар, масжиду мадрасалар давлат ҳисобидан таъмирланиб, зиёратгоҳларга айлантирилди. Қанчадан-қанча азиз авлиёларимиз номлари тикланиб, уларнинг маънавий меросларини ўрганиш йўлга қўйилди. Ҳаж сафарига бемалол бориб келиш учун нафақат рухсат тегди, балки давлат томонидан шароитлар яратилди. Марказий Осиёда ягона бўлган Ислом университети очилди. Диндорларга оммавий ахборот воситаларида ўз фикрларини эмин-эркин билдиришлари учун имкон ва рухсат берилди. Мамлакатимиз Президенти «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб турибди...

Табиий савол туғилади: бу хайрли ишларни, эркинликларни айрим ёшларимиз нега кўрмаяпти ёки буни англашга ақлу фаросати етмаяптими?

Тўғри, ислом динидан хабари бор, ўз халқи, ватани тарихини яхши билганлар, ватанпарвар, миллатпарварлар мамлакатимиз мустақиллигидан, юртимизда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлардан қувонадилар. Улар зинҳор ва зинҳор ғайритабиий ғоялар, ғаламис кимсалар таъсирига тушмайди, йўлдан адашмайди. Қайтага ўз халқи, ватани манфаатига зид, миллий хавфсизликка таҳдид соладиган ҳар қандай кучларга қарши муросасиз курашади.

Хўш, унда алданганлар қайси тоифадагилар орасидан чиқмоқда? Носоғлом оилада ўсганларданми? Билими саёз, содда, лақмароқ ёшлар орасиданми? Ёки ота-онасида туғма бир иллати бўлганлар орасиданми? Нимадандир, кимлардандир аламзадалар орасиданми?..

Бугунги кунда дунё олимлари диний ақидапарастлар, террорчилар психологиясини кенг ўрганишмоқда. Мутахассислар фикрича, ҳар қандай можарони, ихтилофни ечишда психологик фактор ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мутахассисларнинг фикрича, диний экстремистлар томонидан ёшларни йўлдан уриш, улардан фойдаланиш ишлари асосан 3 босқичдан иборат:

Биринчиси — иродаси бўш, билимсиз, алдовга тез кўнадиган ёшларни топиш, танлаш, хуфиёна ўқитиш ва «Ҳизбут-таҳрир»чилар тўдасига қўшиб олиш.

Иккинчиси — диний экстремизм руҳидаги адабиётлар, варақалар, аудиовидео кассеталарни тарқатиш, митинглар уюштириш, очиқ даъватлар билан чиқиш.

Учинчиси — давлат тўнтарилиши орқали ҳукуматни олиш, конституцион тузумни ағдариш, унинг ўрнига халифалик тузиш.

Россиялик тиббиёт ва психология фанлари доктори Владимир Львович Леви шундай ёзади: **«Жазони ўташ жойларида алоҳида хавфли жиноятчилар психологиясини ўрганганман. Уларнинг психологияси террорчилар психологиясига анча яқин.**

**Террор — ожизлар қуроли, жисмоний ёки маънавий жиҳатдан ожизлар қуроли. Терророрнинг ғоявий раҳбари, ташкилотчиси, таъминотчиси, «режиссёри» ва ижрочиси бўлади. Зомбилар эса ўлим ташувчи ижрочилардир. Улар худди программалаштирилган автоматдек, роботдек ҳаракат қилишади. Қўрқувни, раҳм-шафқатни билмайдиган темир одамга ўхшашади.**

**«Ҳизбут-таҳрир»нинг қоидаси бўйича, бу тўданинг бирор аъзоси хўжайинлари топшириғини бажармасликка, муҳокама қилишга ҳаққи йўқ. Улар ҳар қандай вазиятда, ҳатто ўлим билан юзма-юз келганда ҳам топшириқни бажаришдан бош тортса ёки бу тўдадан чиқмоқчи бўлса, ўз ҳаёти ва қони билан жавоб беришга қасам ичдирилган».**

Қаранг, олдин ёшларни алдов билан ўз тўдаларига қўшиб олишади, алдов билан қасам ичиришади, кейин эса «қасам ичгансан-ку», дея уларни сиртмоқда ушлаб туришади, бошқача айтганда, унинг онгини буткул заҳарлаб, ҳар қандай даҳшатли топшириқни сўзсиз бажарадиган қулга айлантириб олишади.

Шу ўринда бир воқеа ёдга тушади. Тўрт йил илгари Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирининг иккинчи курс талабаси, Андижон вилоятилик 19 ёшли йигитча ҳизбутчилар таъсирига тушиб, уларнинг варақаларини тарқатиш билан шуғулланиб келгани учун ушланган эди. Ички ишлар бўлимида тавба-тазарру қилиб тушунтириш хати ёзаётганида ярмисига келгач, шартта йиртиб ташлаб, тўнини тескари кийиб олибди. Мен «адашганлар» руҳий оламини ўрганиб юрганим учун рухсат олиб ўша йигитча билан учрашиб, бунинг сабабини сўрагандим. «Кўзимга дўзах кўриниб кетди», деганди у бошини хам қилганича!

Қаранг, уни ўз сохта ғояларига қанчалик ишонтиришган, юрагига қўрқув солишган.

**Нуриймон АБУЛҲАСАН, диншунос:**

— «Ҳизбут-таҳрир» ташкилоти ўзининг одамларга таъсир қилиш услуби, дастурини йиллар давомида ишлаб чиққан. Унда шундай мўлжалланадики, ҳар бир мушрик юз нафар инсон билан алоқа қилса, шундан ҳеч бўлмаганда бештасига таъсир ўтказиши керак. Тузоққа илинаётган бола, йигит ёки қизнинг ҳаётий тажрибаси қанчалик кам бўлса, бу уларга шунчалик қўл келади. Уларнинг дастурида 30-40 ёшдан ошган одамларга кўп ҳам вақтларингни кетказманглар, деб кўрсатма берилган. Аввало, динга мойиллиги бор, намоз ўқийдиган ёшларни топиб, секин кўнглига кириб боришади. Бошида мен «Ҳизбут-таҳрир»нинг аъзосиман, мушрикман деб айтмайди. Динга, диний тушунчаларга эҳтиёжи бўлганлар билан дин тўғрисида гаплашилади. Суҳбат жараёнида уларнинг дунёқараши, нималарга қизиқиши чуқур ўрганилади. Табиийки, ҳаётда, ўқишда, ишда ҳар бир инсоннинг муаммоси, оилада етишмовчиликлари бўлиши табиий. Айниқса, ёшларни ташвишга солаётган нарса нима, қанақа эҳтиёжи бор — шуларни билиб олгач, ушбу мавзулардаги суҳбатлар орқали унинг руҳиятига кириб борилади. Мушрик ҳамсуҳбатининг фикрини қўллайди, унга ҳамдардлигини билдиради ва руҳан яқинлаша бошлайди. Бошқача айтганда, мушрик «яра»ни топади, кейин уни тилади ва унга туз сепади. Энди бу яранинг малҳами сифатида секин-аста ўзининг ғояларини сингдиришга ҳаракат қилади.

Улар барча муаммолар ечими сифатида халифаликни тарғибот қилишади. Бу тарғиботнинг мафтункор жиҳати нимада? Халифалик ўрнатганимиздан сўнг сен юрмайсан сарсон бўлиб, муаммоларингга ечим излаб, ҳаммаси муҳайё бўлади. Яшашинг осон бўлади, енгил бўлади, деб уқтиришади. Уларнинг таълимотича, халифалик ўрнатилгандан сўнг тилло муомалага киради, қоғоз пуллар юрмайди. Биз тилло, кумуш билан муомала қиламиз, деб ўз китобларида ёзиб қўйишган. Халифалик тикланса, бутун одамларга яхши бўлади, ҳар қандай муаммо ўз ечимини топади, фаровонлик бўлади деган ғоя илгари сурилган.

Шундай қилиб ёшларга сенга нажот — фақат «Ҳизбут-таҳрир», деган ақида уқтирилади, ўргатилади, миясига қуйилади. Улар ўз ғояларини ана шундай йўллар билан, ҳар куни оз-оздан ўтказиб боришади. Бу орада боланинг ҳаракатлари, интилишлари рағбатлантириб борилади. «Мана, сиз яхши тиловат қиларкансиз, хотирангиз яхши экан, даъватларингиз ҳам маъқул», деган мақтовларни айтишади. Сўнгра, «агар энди бир қасам ҳам ичиб қўйсангиз, худога бўлган хизматингизни яна ҳам мустаҳкамлаб, ўзингиз учун жаннатга кириш ваколатини яратиб қўясиз. Бу даражагача кимлар етди, кимлар етмади», деган гаплар билан ёшларда шижоат уйғотишади. Ҳалиги содда йигитда эса «Ҳа, энди мен динга хизмат қиладиган бўлдим. Дин шундай ҳимояга муҳтож. Мен диннинг халоскорларидан бириман», деган туйғулар, фикрлар пайдо бўла бошлайди. Булар унинг бутун ҳис-ҳаяжонини, ғайратини қўзғаб, сўнг асосий мақсадга йўналтиради.

Қасам ичган вақтида у ҳали ўзини қурбон қилишга, портлатишга тайёр бўлмаслиги мумкин. Қасамдан кейин яна тайёрланади, унга лавозим берилади. Мисол учун у дорисдан мушрикликка ўтади. Кейин ўйлайдики, агар нақиб бўлсам яна ҳам юқорироққа кўтариламан. Энди, одамда нафс ҳам борда. Янада юқорироққа чиқсам, деб интилади-да. Улар шундан ҳам фойдаланишади. Яна тузоқдаги ёшнинг қулоғига қуйишади. «Мушрик бўлдинг, энди нақиб бўласан, кейин қайсидир вилоятга амир бўласан», дейишади. Жараён шу тахлит босқичма-босқич амалга оширилади. Қасам ичиб қўйгандан сўнг, дарсларга қатнамай қўйса ёки ғояларидан сал йироқлашиб қолса, «Сен Аллоҳнинг — бутун дунёнинг яратувчиси номи билан қасам ичгансан», деб унга эслатиб турилади. Шу тариқа одам «ҳизб»га қул бўлиб қолади, унинг қобиғидан чиқиб кетолмайди. Тақдирим, қисматим шу экан, деб ҳаммасига тан беради.

Уларнинг хўжайинлари эса энди ўз қулларига дадил буюра бошлайди: «Сен Аллоҳнинг номи билан, унинг йўлида жиҳод қилаяпсанми, унинг розилигини топиш учун шаҳидликка тайёр бўлдингми, энди худо учун жонингни қурбон қил, кейин унинг марҳаматларини жаннатга борганда кўрасан, дейди. Ҳар бошга бир ўлим. Биз ўламиз. Лекин бу беш кунлик ўтар дунё учун ўзимизни ҳар куйга солмасдан, абадий ҳаёт учун жиҳод қилиш керак.

**Энди савол туғилади: ёшларни шу жаҳолатга тушмаслиги, алдовларга ишонмаслиги учун оила, маҳалла, жамият нима қилиши керак?**

Динга, диний билимларга қизиқувчан ёшлар кўп. Баъзи жойларда бу эҳтиёжлар тўлиқ қондирила олинмаяпти. Чунки мутахассисларнинг ўзи етарли даражада эмас. Ёшлар кўп ҳолларда саволларига тўлиқ жавоб ололмайди. Уларнинг эҳтиёжларини кимдир ташқаридан келиб қондирса, бу бизга зарар келтиради. Ёшларимизга кўпроқ маърифий исломни ўргатишимиз керак. Динни тарғиб қилиш эмас, исломнинг маърифий эканлигини тушунтиришимиз керак. Исломнинг ўзини меъёрлари бор эканлигини, улардан чиқиб кетиш нотўғри эканлигини уқтиришимиз керак.

Республикамизда телевидение, матбуот нашрлари етиб бормайдиган узоқ-узоқ жойлар бор. Улар учун сайёр гуруҳлар ташкил қилиш керак. Бу гуруҳ таркибида диний уламолар, дин арбоблари билан бирга таниқли шоирлар, ёзувчилар, журналистлар ҳам бўлсин. Уларнинг бориши айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларда катта таассурот қолдиради.

Ёшларни қийнаётган саволларнинг жавобини биз топишимиз керак. Қалтис саволлардан қочиш керак эмас. Ҳар бир ҳудуд бўйича ёшларнинг аҳволини, муаммоларини ўрганиб чиқиш керак. Террорга қўшилиб кетишлар асосан бекорчиликдан, билимсизликдан келиб чиқади. Бекор одам уларнинг гапларини эшитиб ўтираверади. Банд одамнинг эса уни эшитишга вақти бўлмайди. Ҳозир улар ўзларини эшитадиган қулоқ қидираяпти. Агар уларни эшитувчи ҳеч ким бўлмаса, гапиради-гапиради, кетади.

Аслида ҳар бир оила бошлиғи ўз фарзандига жавобгар. Боласи ҳар куни қаерга бораяпти, кимлар билан дўст бўляпти, дарсларни қандай ўзлаштиряпти, хабардор бўлиш керак. Шунда келган ёт ғоялар қалқонга урилгандек ортига қайтиб кетаверади.

**Баҳодир ТОШМАТОВ, I ТошДТИ психатрия кафедраси мудири, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси, профессор:**

— Биз террорчилик ҳаракатларини содир этган шахсларнинг кўпларини тиббий кўрикдан ўтказиб, шахсини ўрганганмиз, ҳар бирининг руҳий ҳолатини аниқлаганмиз ва мутахассис сифатида бир хулосага келганмиз. Уларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, катталар таъсирига тушган. Катталар эса уларга ваҳобизм, «Ҳизбут-таҳрир» ғояларини сингдиришган.

Ёшлар қандай қилиб улар таъсирига тушиб қолишган? Маълумки, республикамиз мустақил бўлгач, динга ҳам эркинлик берилди, кўплаб масжидлар қурила бошланди, ҳажга бориб келишга йўл очилди. Худди шу жараёндан диний экстремистлар фойдаланиб, ўз ғояларини тарғибот қила бошлашди, дин тўғрисидаги билимсизликни ўз ғоялари билан тўлдира бошлашди.

Болалар ва ўсмирларга, ёшларга Қуръон сураларини бузиб, ўз манфаатларига мослаб ўқита бошлашди. Машғулотлар кечки пайт, ўта махфий ҳолатда олиб борилган. Ҳатто бир қўшни иккинчи қўшни боласи нима билан шуғулланишини билмаган.

Ёшлар миясини заҳарлашнинг иккинчи усули қўшни мамлакатлар — Тожикистон, Афғонистон, Чеченистонда ўтказилган. Ёшларни алдаб диний ўқишга олиб борамиз, деб террорчилар мактабларига олиб бориб, паспортларини беркитиб қўйиб, қаттиқ назорат ва тартиб асосида террорчиликка тайёрлашган. Ҳар куни Қуръон сураларини бузиб тушунтиришган, махсус адабиётларни соатлаб ўқитишган, ёд олдиришган. Бутун дунёдан узиб қўйилган бу ёшларга эртадан кечгача бир ғояни такрорлайверишса, ҳаётдаги камчиликларга боғлаб тушунтиравеpишса, ўйлаб кўринг нима бўлади?

Бундан ташқари, «тарбия»чилар орасида, ёшларнинг руҳий ҳолатларини диққат билан ўрганадиган, улар билан яккама-якка суҳбатлар ўтказадиган махсус мутахассислар бўлган. Улар нимадандир, кимдандир аламзада ёки ақли заифроқ, иродаси бўшроқ ёшларни ахтаришади. Чунки бунақалар тез таъсирланадиган бўлади. Одамнинг руҳига, онгига таъсир ўтказадиган махсус усуллардан фойдаланилган. Натижада бундай «тайёргарлик чиғириғи»дан ўтганлар ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёр бўлади. Буйруқ берилса муҳокама қилиб ўтиришмайди, савол беришмайди.

Мен врач сифатида айтишим керак, болалар ва ўсмирлар ўта қизиқувчан бўлади, нима гапирсангиз, кўрсатсангиз хотирасида сақлай олади. Яна бир муҳим жиҳати, ёшларда ўз кучини, ғайратини кўрсатишга хоҳиш катта бўлади. Шунинг учун ёшларнинг мактабдан кейинги вақтларини назоратсиз қолдирмаслик керак. Бола нимага қизиқади, кимларга ҳавас қилади, бўш вақтини қандай ўтказаяпти, кимлар билан ўтказаяпти, ота-она буни билиши, бола тарбиясида оила асосий жавобгар бўлиши керак.

**Бахтиёр ОХУНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи:**

— Тергов материаллари шундан далолат берадики, «жамоат» «Ҳизбут-таҳрир»нинг бошланғич гуруҳи ҳисобланади. Улар ўз ғояларини ёшлар онгига босқичма-босқич сингдириш билан шуғулланишади.

Дастлаб умумий қоидалардан «сабоқ» берилади, сўнгра турган-битгани жаҳолатдан, қабиҳликдан иборат диний экстремизм ғоялари ташвиқот қилинади.

«Жамоат» аъзоларини мафкуравий жиҳатдан тайёрлашда махфий равишда кўпайтирилган аудио, видео, варақа, китоб ва лазер дисклардан кенг фойдаланишади. Уларнинг мазмун-мақсади, даъвати бир нарсага қаратилган — конституцион тузумни ағдариш, ўрнига ислом давлатини қуриш, кейинчалик ягона «Халифат» тузиш.

Ёшлар қандай қилиб бу ноқонуний, ақлга тўғри келмайдиган, хомхаёл гапларга ишониб, улар тузоғига илиниб қолаётгани сабабини билиш учун «Ҳизбут-таҳрир» фаолияти, тарғибот усулини ипидан-игнасигача ўрганиб чиқиш зарур. Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, бу оқим айримлар ўйлаганидан кўра ўн марта, юз марта маккор ва хавфли. Ҳаётдаги турли камчилик ва муаммолардан ўта усталик билан фойдаланиб, одамларга руҳий таъсир кўрсатишади. Диний ёки дунёвий билими суст, ҳаётий тажрибага, мустақил дунёқарашга эга бўлмаган ёшлар, ҳатто иродаси бўшроқ катта ёшдагилар ҳам улар чангалига тушиб қолишади.

Жоҳилларнинг даъватларига юзаки қаралса, гўёки сизни яхшиликка, савоб ишларга чорлаётгандек туюлади. Масалан, мана бу сўзларга қаранг: «Сизларни ислом ғолиблик арафасида турган ушбу дамларни ғанимат билиб, гўзал амаллар қилиб қолишга ва Аллоҳнинг розилигига эришиш бахтига муяссар бўлиш учун ҳаракат қилиб қолишга даъват этамиз!»

Қаранг, гўё ислом бугун-эртага ғолиб чиқади, ҳукуматни қўлга олади. Тез ҳаракат қилиб, бу ишга ҳисса қўшиб қолсангиз Аллоҳнинг розилигига сазовор бўласиз. Акс ҳолда савобдан, жаннатдан қуруқ қоласиз. Табиийки, билими саёз ёшлар бу сохта гапларга маҳлиё бўлиб қолишади.

Яна бир мисол. Видеокассеталарда бўлажак шаҳидлар ўзларини қурбон қилишга қандай тайёргарлик кўрганидан тортиб ўзини қандай портлатишигача ва ўша «шаҳид»нинг «қаҳрамонлиги» «ҳизбутчи»лар томонидан нишонланиб, байрам қилинган ҳолатлари кўрсатилади. Алданиб, хомхаёллар билан ўзини нобуд қилган бахтсиз ёшларни қаҳрамон қилиб кўрсатишади, улардан ибрат олишга даъват этишади.

Очиғи, биз ёшларимизни улардан ҳимоя қилиш учун етарли чора-тадбирларни кўраяпмиз дея олмайман. Уламоларимиз, диншуносларимиз фақат масжидда ёки маърака пайтида эмас, балки маҳаллаларда юзма-юз мулоқотларни кўпроқ уюштиришлари зарур, деб ўйлайман. Энг нозик, қалтис масалалар бўйича ҳам ҳақиқатни айтиш, муаммонинг сабабини тўғри тушунтириш керак. Биз қайси саволни жавобсиз қолдирсак, улар айни шундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишади.

Террорчилардан олинган далилий ашёлар орасида махсус йўриқномадан иборат «Жиҳодий амалиётга қандай киришлик» деб номланган китобда жиҳодни амалга ошириш учун зарур бўлган стратегик ва тактик ҳаракатлар бўйича маълумотлар олиш, «жамоат» аъзолари хавфсизлигини таъминлаш бўйича батафсил ёзилган. Ҳатто шундай махфий йўриқномалар борки, уларда «жамоат» аъзоларидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Бу китоблар фақат «Ҳизбут-таҳрир»нинг раҳбарларигагина мўлжалланган. Ўқилгач, ёқиб ташланади, пастдагилардан сир сақланади. Сабаби — агар ҳизбутнинг оддий аъзолари бу кўрсатмаларни ўқиб қолса, алданганини, кимларнингдир қўлида қўғирчоқ бўлганини англаб қолиши мумкин.

Менинг фикримча, бу ёвузликларга қарши курашда қамаш, жазолаш охирги чора. Юртбошимизнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак, деган кўрсатмалари маъносини ҳанузгача кўплар чуқур англаб етмаётганга ўхшайди. Бу йўл оғир йўл, кўп меҳнат талаб қилади, аммо энг тўғри ва самарали йўл. Ислом динининг эзгу мақсадларини, диний экстремистлар ғоялари пучлиги, мантиқсизлигини аниқ мисоллар асосида тушунтириш керак. Мисоллар эса оз эмас...

Дарҳақиқат, «Ҳизбут-таҳрир» даъватларида бир-бирига зид, мантиқсиз, муқаддас Ислом дини ғояларига етти ёт бегона ҳолатлар исталганча топилади. Оддий бир мисол. Ҳизбутчилар биз ғоямизни тинч йўл билан тарғиб қиламиз деб айюҳаннос солишади. Тарқатаётган варақаларида эса «Сизларни тўғри йўлдаги халифалик давлатини тиклаш йўлида моллар ва жонлар билан курашга чақирамиз», дейишади. Қани мантиқ?

Яна бир мисол, улар тарғиботида бу дунё ёлғончилиги, чин дунё абадийлиги, жаннатга тушиш учун ҳаракат қилиб қолишлик ҳақида даъват қилинади. Савол: Бу дунё ёлғончи, маъносиз бўлса, нега бу дунёда халифат тузишмоқчи? Иккинчи савол: Ўзини шаҳид қилган одам тўғри жаннатга тушадиган бўлса, диний ақидапарастлик ғоявий раҳбарлари нега ўзини шаҳид қилмайди. Нега қочиб, беркиниб юришади? Нима, улар жаннатга тушишни истамайдими?

«Ҳизбут-таҳрир» ўзини ҳар қанча пардаларга ўрашга, сипо ва мулойим қилиб кўрсатишга уринмасин, хатти-ҳаракати, фаолияти бири-биридан даҳшатли жиноятлардан, тубанлик ва ёвузликлардан иборатлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Яқинда республика Олий судида кўрилган бир жиноий ишга эътибор берайлик. «Ҳизбут-таҳрир» аъзоси Қ.Сохоталиев 2004 йили жиноий шериклари — А.Бобоев, М.Қаҳҳаров ва Р.Қаҳҳаровлар орқали Равшан Қаҳҳоров, Аҳрор Юнусов билан танишиб, ўзаро тил бириктириб, диний экстремистик тарғибот билан шуғулланади. Улар яширин уйда ташкил этилган «ҳужра»да жиноий уюшма аъзоси К.Азимбековнинг вояга етмаган ўғли ва жиянлари Қурбон, Беҳзод ҳамда Қодирга мажбурий равишда диний-экстремистик, жиҳодий таълим бериб келади.

2004 йилнинг февраль ойида мажбурий диний таълим олишни хоҳламай «ҳужра»дан қочиб кетган Қодир Қаюмовни ушлаб келиб, руҳий ва жисмоний азоб бериб, диний таълим олишни давом эттиришга мажбурлашади. Бу қийноқларга чидай олмаган Қодир ўзини ўзи ўлдириш мақсадида «ҳужра»нинг ювиниш хонасига кириб, қўлининг билак қисмидаги қон томирини кесади...

Жиноий уюшма аъзоси Қ.Азимбековнинг 9 ёшли ўғли Қурбонни ҳам мажбурлаб диний таълим бериш жараёнида қўл ва оёқларини электр симлари билан боғлаб, калтаклашади, кўрпачага ўраб тепкилашади, бармоқларини гугурт билан куйдиришади. Бу қийноқлар етмаганидек, калтак зарбидан пайдо бўлган ярасига шўр пахта босиб азоблашади. Қ.Азимбеков ўғлига жисмоний азоб берилаётганини билса-да қаршилик кўрсатмайди, аксинча уни итоатгўй қилиб тарбиялашга буйруқ беради.

2004 йил март ойида калтак зарби ва азоблардан сўнг Қурбоннинг аҳволи оғирлашиб, ҳаёти хавф остида қолади. Ана шундан сўнг жиноятчилар уни касалхонага ёткизишади. Шифокорларга эса болани кўчада номаълум шахслар калтаклаб кетган деб айтишади. Лекин, бу гаплар шифокорларда шубҳа уйғотади... Жиноят фош этилиб, экстремистлар гуруҳи қўлга олинади...

Энди, ўйлаб кўрайлик, ақли ҳуши жойида бўлган одам шу ишларни қиладими? Оғзидан она сути кетмаган бегуноҳ болаларга ёввойиларча, йиртқичларча азоб бериш мусулмончиликка, инсонгарчиликка тўғри келадими? Қайси дин, қайси халқ бундай ваҳшийликни оқлайди?..

Савол туғилади: болаларни бунчалик қийнашдан асосий мақсад нима бўлган? Мутахассисларнинг изоҳлашича, балоғат ёшига етмаган болаларни қийнаб, қўрқитиб итоаткор қулга айлантириш, «хўжайин»нинг измидан чиқмайдиган, ҳар қандай буйруғини муҳокама этмай сўзсиз бажарадиган даҳшатли қуролга айлантириш... Бу қурол ёрдамида ҳар қандай ёвуз ниятларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Яна бир мулоҳаза, бу қабиҳ ишлар биздан йироқда, ер остида ёки осмоннинг еттинчи қаватида эмас, балки маҳалламизда, қўшни хонадонда, ҳовлида содир бўлаяпти. Шундоққина ёнгинамизда бошимизга кулфат соладиган, оиламизга, яқинларимизга фожиа келтирадиган иблислар яшаб, ўлим уруғини тайёрлашмоқда. Биз эса бехабармиз. Одамзотнинг табиатига ҳайрон қоласан киши. Баъзан «ҳушёрлигимиз» шу даражада ошиб кетадики, ким хотинига нима олиб берди, ким ким билан яқин, кимнинг қозонида нима қайнаётганича биламиз, аммо ёнимизда содир бўлаётган оғир жиноятларни, ҳаётимизга таҳдид солаётган хавф-хатарни сезмай қоламиз.

Ёвуз кучлар қўлига тушиб, қурбон бўлиб кетаётган ёшларга бир томондан ачинасан одам. Дарҳақиқат, булар ҳам инсон, кимларнингдир фарзанди, ака-укаси ёки отаси, юртдошларимиз, оға-иниларимиз. Лекин улар алданган, йўлдан адашган, ёвуз кучлар тузоғига илиниб қолишган. Шуни ҳисобга олиб, юртбошимиз уларни бу ёвуз йўлдан, фожиага, ўлимга олиб борувчи йўлдан қайтишга, жувонмарг бўлиб кетмасликка, ўз ҳаётларини сақлаб қолишга имкон берди. Хатоларини ўз вақтида тушуниб, ортга қайтганлар кечирилди. бугун улар ўз оилалари бағрида тинч-осойишта яшашмоқда. Афсуски, қўрқоқлик қилганлари, тўғри хулоса чиқармаганлари, оғир жиноятларга қўл уриб, гуноҳи азимга ботиб, жаҳолат қурбони бўлиб кетишди.

Янги парламентнинг қўшма мажлиси куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ОАВ вакиллари билан ўтказган матбуот конференциясида кишини жиддий ўйлашга, хулоса чиқаришга ундайдиган фикрларни билдирди. У адашган ёшларни, улар ҳам ўз фарзандларимиз, юртдошларимиз деди, Мен ўз фарзандларим билан курашишни истамайман деди. Яъни ёшларимизни асрашимиз, уларга эътиборли, меҳрли бўлишимизга даъват этди.

Бу ёндашув, бу муносабат ҳақлигини Шайхонтоҳур туманидаги Янгиобод маҳалласида яшовчи, турли сабаблар билан бу маккор оқимлар домига тушиб қолган, адашганлигини фаҳмлагач, тавба-тазарру қилиб ортга қайтган ёшларнинг гаплари ҳам яққол исботлаб турибди.

*(Давоми бор.)*

**Сафар ОСТОНОВ**

«Ўзбекистон — 2005» Миллий Интернет фестивали бўлиб ўтмоқда

# ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Бугунги кунда ҳеч қайси мамлакат ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантирмасдан туриб тараққиётга эришолмаслиги аниқ бўлиб қолди. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. 2002 йилдан бошлаб АКТ (ахборот-коммуникация технологиялари) мамлакат ривожланишидаги энг муҳим ва устувор йўналишлар қаторига киритилди. Бу борада Президент Фармони, ҳукумат қарорлари қабул қилинди ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини 2010 йилгача ривожлантириш Дастури тасдиқланди. АКТнинг тезкор суръатларда ривожланиши учун давлат томонидан шу соҳага катта имтиёзлар берилган, жумладан, бир қатор солиқлар ва божлардан озод қилиш тадбирлари амалга оширилган.

Интернетнинг кенг миқёсда тараққий этиши АКТ ривожланиш жараёнида жуда эътиборлидир. Айниқса, Интернетнинг нафақат давлат бошқарув органлари ёки корпоратив фойдаланувчилари томонидан ишлатилиши, балки ундан кенг омма ҳам фойдаланиши катта аҳамиятга эга. Шу ўринда нафақат мамлакатимиздаги Интернет фойдаланувчилари ёки провайдерлари сонини, балки миллий веб-манбаларимизнинг сони ва сифатини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Айнан миллий веб-манбаларнинг кўплиги ҳар бир мамлакатдаги Интернет технологиялари қанчалик самарали ишлаётганини кўрсатади. 2005 йилнинг май ойигача мамлакатимизда етти юз ўн беш минг Интернет фойдаланувчилари рўйхатга олинган. Охирги икки йил ичида уларнинг сони бир неча марта ошганига қарамай, умумий фоиз ҳисобида у камлигича қолмоқда.

Маълумотларга кўра, айни пайтда мазмун-моҳиятан Ўзбекистонга тегишли бўлган ва тез-тез янгиланиб турувчи сайтлар сони 1500 тага етди, «.uz» миллий доменимизда рўйхатга олинган номлар сони эса 3000 дан ошди. Баъзи номлар умуман ишлатилмаса, баъзилари захирада турибди. Бироқ номларнинг асосий қисми шаклланиш жараёнида. Энг ачинарлиси эса, мавжуд веб-манбаларимиз баъзан ёки умуман янгиланмаётганидир.

Интернет технологиялари қўшимча харажатларсиз бир неча тиллардаги саҳифаларни ишлатиш имконини ҳам беради. Шунинг учун ҳам миллий веб-сайтларимизнинг асосий қисми уч яъни ўзбек, рус ва инглиз тилларидадир. Мамлакатимизда ўзбек тилидаги саҳифалар кўпчилик фойдаланувчиларга тушунарли бўлгани учун ҳам фаолроқ ишлатилади. Бироқ ўзбек тилидаги веб-сайтлар ҳажми 30 фоиздан ошмаслиги ва уларнинг янгиланиши анча орқада қолганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Миллий тармоқ хизматлари сустлиги туфайли миллий манбаларимизни қидириб топиш бўйича ҳам муаммолар ҳал қилинганича йўқ. Бунинг оқибатида эса тармоқ фойдаланувчилари сифатли ва қизиқарли сайтларни топа олмайди ва улардан фойдалана билмайди.

Айнан шу муаммоларни ҳал қилиш ва мавжуд Интернет манбаларимизни кенг оммага таништириш мақсадида шу йилнинг июнь-июль ойларида «Ўзбекистон — 2005» Миллий Интернет фестивали ўтказилади. Фестиваль ташкилотчилари Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «InfoCOM.UZ» журнали. Фестивалнинг бош ҳомийси «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» акциядорлик компанияси.

Миллий Интернет фестивалини ўтказишдан мақсад «.uz» домени сегментида ахборот манбаларини ва хизматларини ривожлантириш, бу ерда мавжуд бўлган манбаларни, шунингдек, бошқа доменда жойлаштирилган, бироқ мазмун-моҳияти билан Ўзбекистонга тегишли бўлган манбаларни рўйхатга олиш, жамиятнинг ахборот маданиятини ошириш ҳамда мамлакатимизнинг янги Интернет фойдаланувчиларини тармоққа жалб қилишдир. Интернетдаги энг зўр миллий манбаларни шакллантиришга кўмаклашиш, мамлакатимизнинг турли соҳалари, шу жумладан, бошқарув, таълим, маданият ва тижоратга замонавий технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш, тармоқ оммавий ахборот воситаларини шакллантириш йўли билан очиқ жамият барпо этишга ёрдам бериш ҳамда анъанавий ОАВнинг тармоқдаги саҳифаларини тузиш кўзда тутилган. Бундан ташқари ташкилотчилар Интернетда ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, миллий ва халқаро жамоат ташкилотлари эътиборини жалб қилиб, давлат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда самарали восита бўлиб хизмат қилувчи Интернетдан фаолроқ фойдаланишга ундашни ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Миллий Интернет фестивалининг бошқа тадбирлардан фарқи шундаки, ҳайъат аъзолари ишлатилган технологиялар, дизайн ёки мазмунга эмас, балки веб-сайтга, унинг умумий ҳолатига қараб баҳо беришади. Фестивалда фан ва таълим, маданият ва санъат, спорт, туризм, ҳордиқ ва саёҳат, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, тармоқ хизмати, электрон тижорат каби соҳалардаги сайтлар иштирок этади. Шунингдек, энг яхши даврий Интернет нашрлар, анъанавий ОАВ сайти, ёшлар сайти, корпоратив сайт, минтақавий ўлкашунослик сайти, шахсий сайт, давлат бошқаруви органи сайти ҳамда давлат тилидаги веб-сайтлар аниқланади.

Танловда ким қатнаша олади деган савол кўпчиликни қизиқтирса керак. Унда фестиваль ўтаётган пайтда ишлаб турган ва рўйхатдан ўтган исталган сайт эгаси қатнашиши мумкин. Бир қатнашчи хоҳлаган миқдордаги сайтларни ҳам ҳавола этиши мумкин. Сайт эгаси сабабини тушунтирмасдан иштирокчилар сафидан чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам эга. Интернет фестивалда қайси номинация бўйича қатнашишни сайт эгаси ҳал қилади. Бу эса ўзбек Интернетининг деярли барча сайтларига фестивалда қатнашиш имконини беради.

Фестиваль уч босқичда ўтади. Май ойида расмий сайтда овоз бериш учун тайёргарлик кўрилди ҳамда сайтлар номинациялар бўйича тақсимланди. Июнь ойда «.uz» доменига 10 йил тўлиши муносабати билан «Ўзбек Интернетининг миллий форуми» ўтказилади. Форум давомида «Халқ веб-сайти» номинацияси бўйича овоз бериш бошлаб юборилади. Бир ой давомида ҳайъат аъзолари ва кенг жамоатчилик номинациялар ғолибларни аниқлашади. Июнь ойининг охирида эса ғолибларни мукофотлаш маросими бўлиб ўтади.

**Александр СУЧКОВ,**
**«Инфоком» журнали таҳрир ҳайъати раиси**

XORIJDA

## Қўриқхона ёнмоқда



Ўлик денгиз қирғоғида жойлашган Эйн-Геди қўриқхонасининг учдан икки қисми кучли ёнғин қуршовида қолиб кетди. Маҳаллий радио берган маълумотларга кўра, Исроилдаги асосий сайёҳлик обидаси бўлган ноёб водийнинг 66 фоиз ҳудуди ёниб битган.

Ёнғин оқибатида субтропик ўсимликларнинг ноёб турлари кулга айланган.

## Бўйинбоғ ва костюмларга қарши



1 июндан Японияда мансабдор шахс ва шахсий компаниялар ишчиларини жазирама ёз даврида бўйинбоғ тақмаслик ва костюм киймасликка даъват этувчи умумиллий кампания бошланди. Чақириқ ва даъватлардан ташқари бу кампания амалий ҳаракатлари билан ҳам таъсир ўтказишни мақсад қилган. Масалан, кечадан бошлаб кўпгина идоралардаги кондиционерлар хонани 28 даража иссиқ ҳаво билан таъминлаш тизимига ўтказилди. Бу чора кондиционер ва бошқа совутиш воситаларидан камроқ фойдаланиш орқали электр қувватини тежаш ҳамда сайёрамизда иқлим илиқлашишини келтириб чиқарувчи иссиқлик газлари атмосферага ажралишининг олдини олишга қаратилган.

Сентябрь ойининг охиригача мансабдор шахсларни одатий галстук ва костюмларда фақатгина расмий маросимлар ва хорижий меҳмонларни кутиб олиш пайтидагина кўрса бўлади.

## Зиддиятлар кучаймоқда

Жаҳон савдо ташкилотига мурожаат қилган АҚШ маъмурлари Европа ўзининг Airbus компаниясига субсидия ажратаётганидан норози эканликларини билдирди. Ўз навбатида ЕИ ҳам АҚШ томони миллий Boeing компаниясини субсидия билан таъминлаётгани устидан шикоят қилди.

Яқиндагина бу икки компания ҳамкорликда иш бошлаши мумкинлиги ҳақидаги тахминлар айтилаётганди. Бироқ ҳозирги пайтда икки томонлама алоқалар бирмунча ёмонлашгани кузатилмоқда.

ЕИ ва АҚШ бир-бирини миллий авиакомпанияларни қўллаб-қувватлаш орқали дунё авиасаноатига керагидан ортиқ даражада аралашаётганликда айблашмоқда.

## «Камбағалликни тарихда қолдирамиз»

Таниқли мусиқачи ва филантроп Боб Гелдоф 1985 йилдаги машҳур Live Aid хайрия концертини такрорламоқчи. Янги концерт Катта саккизлик учрашувлари арафасида ўтказилади. Live 8 деб номланган томоша 2 июль куни Лондоннинг Гайд-паркида бошланиб, Париж, Берлин, Филадельфия ва Римда ҳам бўлиб ўтади.

Концертни ўтказишдан мақсад – «Камбағалликни тарихда қолдирамиз» деган шиор остидаги кампанияга эътиборни қаратиб, ривожланаётган мамлакатлар қарзини камайтириш ва уларга бериладиган ёрдамни кўпайтиришга эришишдан иборатдир.

Дастлабки Live Aid концертлари 1985 йилда Лондон ва Америка стадионларида ўтказилган ва ташкилотчилар Африкада қурғоқчиликдан талафот кўрган ҳудудлар учун 40 миллион фунт маблағ йиғишга эришган эди.

## Энг қудратли компьютер яратилмоқда

Япония олимларининг бир гуруҳи дунёда энг кучли суперкомпьютер яратишга киришди. Энг мураккаб масалаларни бажариш учун ишлатиладиган янги компьютер бир сонияда 10 квадриллион операцияни бажариши кутилмоқда.

Бу лойиҳа 2006 йилда бошланиб 2011 йилда тугатилади. Компьютерни яратиш учун бир миллиард доллар ажратилди. Лойиҳада Токио университети, NEC ва Hitachi компанияларининг етакчи мутахассислари қатнашади.

Янги машинадан одам оқсилининг хусусиятини ўрганиш бўйича давлат дастури ҳамда халқаро термоядро реактори доирасида ўтказилаётган тажрибалардан олинган маълумотларни қайта ишлаш учун фойдаланилади.

Айни пайтда энг қудратли компьютер IBM компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, у бир сонияда 70,7 триллион операцияни бажара олади.

Иқтисодиётимиз таянчлари

# МУРУНТОВ МАЪДАНЛАРИ

нафақат асрий Қизилқум — кўҳна дашту биёбонлари балки Навоий вилоятининг, қолаверса мустақил Ўзбекистоннинг қазилма бойликлари хазинасидир



1967 йилда очилган Мурунтов ҳавзаси карьеридан ҳозиргача 1 миллиард 100 миллион тоннадан зиёд қимматбаҳо тоғ жинслари қазиб олинди. Унинг захираси «9999» олтин ёмбилари кўплиги жиҳатидан жаҳонда машҳурдир. Йил сайин чуқурлашиб бораётган кон ҳозирга келиб ер сатҳидан 500 метр пасайиб, кенглиги ва эни жиҳатидан қарийб 5-6 минг метрни эгаллаган бўлсада, ҳамон дуру жавоҳирларини инсониятдан дариғ тутмаяпти...

Мустабид тузум йилларида тинимсиз қазиб олиниб, тўла тозаланмаган тоғ-кон жинслари уюмларидан эндиликда иккиламчи хомашё сифатида фойдаланишга тўғри келмоқда. Ҳавза ёнида уюм-уюм бўлиб кетган сунъий «тепа»ликлар экологик мувозанатни бузиб, ҳавони ифлослантириб келаётган эди.

Бу ҳол республикамиз ҳукумати ва Навоий тоғ-металлургия комбинати раҳбариятининг ҳам доимий диққат-эътиборида бўлиб келди. Ниҳоят, муаммога ечим топилди: Зарафшонда хориж сармоясини киритиш йўли билан жаҳон андозалари даражасида мукаммал олтин тозалаш қўшма корхонасини очиш лозим деган тўхтамга келинди. 220 миллион тонналик ҳажмдаги иккиламчи хомашё бекордан-бекорга ётаверадими? Бунинг учун Мурунтов карьери атроф-муҳитини яна асл ҳолига келтириш ва уни қайта таъмирлаш керак эди...

Жаҳон экспертлари эса шундай хулоса беришди: бу ерда Американинг машҳур «Ньюмонт Голд» корпорацияси билан ҳамкорликда қўшма корхона — «Зарафшон-Ньюмонт» олтинни қайта ишлаш мажмуасини тикласа бўлади.

Бу жамоа кейинги 50 йил давомида ўзининг илғор технологияси ва замонавий асбоб-ускуналари билан жаҳонга танилган. Шунингдек, у бир ердан иккинчи ерга (ёҳуд мамлакатдан-мамлакатга) бор-йўғи 2-3 ой ичидаёқ кўчиш имкониятига эга корпорация ҳисобланади. Айни шу жиҳатлари билан ҳам у бугунги кунда жаҳондаги 150 га яқин олтин конлари фирмалари ҳамда компаниялари орасида ўз нуфузи ва ҳамкорларига эга.

Қўшма корхонанинг лойиҳа қиймати 235 миллион АҚШ долларига тенг қилиб белгиланди. Маблағ ҳомийлигини Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки ўз зиммасига олди. Ниҳоят, 1995 йилнинг айни 25 май куни қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган асрий Қизилқум дашту биёбонларида давлатлараро аҳамиятга эга — гигант қўшма корхона — «Зарафшон-Ньюмонт» иш бошлади.

Дастлаб 325 нафар кончи билан фаолият юритган «Зарафшон — Ньюмонт» жамоаси ўн йил ичида 900 нафарга етди. Бунинг 850 нафари маҳаллий ёшлар бўлиб, улар асосан Навоий кончилик институти ва тоғ-кон саноати коллежида таҳсил олган малакали мутахассислардир. Агар ҳозир бу ерда бор-йўғи 12 нафар хорижлик мутахассис ва мураббийлар борлигини айтадиган бўлсак, маҳаллий кадрлар 95 фоизни ташкил этади.

Хўш, ўтган 10 йил ичида қўшма корхонада кўзланган мақсадларга эришилдими? Қилинган сарфу харажатлар ва олинган кредитлар қопландими?

Корхона жамоаси 2003 йилгача юқорида айтилган 220 миллион тонналик иккиламчи хомашёнинг 100 миллион тоннасини қайта ишлаб, режадаги 100 тонна ўрнига 104 тонна сара олтин ишлаб чиқарди. Бу — ундан келадиган маблағ ва барча саъй-ҳаракатлар ҳамда сарфланган сармоялар деярли қоплаб бўлинди, дегани. Бугунги кунда корхонада йилига 15-16 миллион тонна (дастлабки йилларда 10-11 миллион тонна эди) тоғ жинслари қайта ишланаяпти.

Ишлаб чиқариш қуввати ва суръати шуни кўрсатаяптики, — 2011 йилга қадар Мурунтов ён-атрофини батамом тозалаб, таркибида олтин бўлган тоғ жинсларини тўла қайта ишлаб чиқарилади.

— Ўн йиллик меҳнатимиз байрами биз бульдозер ва экскаваторчилар учун ҳам қадрли, — давом этди **экскаватор машинисти Иван Кондратенко.** — Кечагина оддий экскаваторчи эдим. Бугун эса корхона касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосариман... Қувонсам арзийди, тўғрими..?

Ҳа, Мурунтов — чин маънода маъданлар маскани. У истиқлол йилларига келиб, ўз хазинасини жаҳон бўйлаб кўз-кўз қилмоқда.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

ОЛМАЛИҚ КОНЧИЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

**2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича 9-синфни тугатган ўқувчиларни қабул қилади:**

- Металларга ишлов бериш — 25 ўқувчи;
- Пайвандлаш — 25;
- Назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика — 25;
- Саноат корхоналари электр жиҳозлари ва ускуналари — 25;
- Тоғ жинсларини қазиб олиш машиналари ва жиҳозлари — 25;
- Темир йўл транспортидан фойдаланиш — 25;
- Металлургия ишлаб чиқаришда юк кўтариш машиналари ва транспортёрлар — 25;
- Фойдали қазилмаларни бойитиш — 25;
- Бурғулаш ишлари — 25.

**ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ЙИЛ**

**Шунингдек, 11-синф маълумоти билан тўлиқ шартнома асосида ўқиш муддати 1 йил бўлган қуйидаги йўналишлар мавжуд:**

- Токарь — 20;
- Чилангар таъмирловчи — 20;
- Пайвандлаш — 20;
- Аппаратчик (СКЦ гидрометаллург) — 20.

**Ўқишга кириш истагини билдирган ёшлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**

- Директор номига ариза
- 086/у шаклидаги тиббий маълумотнома
- 3х4 ҳажмдаги 6 дона сурат
- Турар жойидан маълумотнома
- Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт
- Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

**ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!**



**Манзил: Олмалиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси 45-уй.**
**Тел: (8.261) 5-14-85, 5-14-39, 5-10-41, 5-10-52.**

## «БИЗ ЧЕКИШДАН ХОЛИ, ЭКОЛОГИК СОФ, СОҒЛОМ КЕЛАЖАКНИ ЯРАТАМИЗ»

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ётоқхонасида Биохимия ва гигиена кафедраси томонидан «Биз чекишдан холи, экологик соф, соғлом келажакни яратамиз» мавзуида анжуман ташкил этилди. Унда институт профессор, ўқитувчилари Ропижон Қудратов, Ҳасан Мусаев, Муаззам Мелиевалар атроф-муҳит экологияси, чекишнинг инсон саломатлигига салбий таъсири хусусида маъруза қилдилар.

Институт ёшлари экологик маданият, кашандаликнинг келажак авлодимизга кўрсатадиган салбий оқибатларини атрофлича муҳокама қилдилар. Шунингдек, йиғилганлар Андижонда бўлиб ўтган нохуш воқеаларга ўзларининг муносабатларини билдирдилар.

— Маънан соғлом ақл-идрок эгаси бўлиш учун аввало, ҳар бир инсон жисмоний маданиятга эришмоғи зарур, — деди 2-курс талабаси Шерзод Рўзибоев.

Талаба ёшлар ўзаро қизғин баҳс-мунозарага киришдилар.

**Саида САЙХУН**

«ШАҲРИСАБЗ ВИНО-АРОҚ» ОТАЖ

**акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши мажлислар залида ўтказилди.**
**Ушбу мажлисда 89204 овоз яъни, 94,5% кворум билан қатнашди.**

| № | Овозга қўйилган масала | |
|---|---|---|
| 1 | Кузатув кенгаши аъзолари этиб Р.Бобоев, Р.Маҳкамов, Ш.Ортиқов, Ё.Исоқов, Н.Шокировлар тайинланди. | 99,6 % овоз билан тасдиқланди. |
| 2 | Жамият ижро органининг 2004 йилдаги иш фаолияти қониқарсиз деб баҳолансин. | 99,7 % овоз билан тасдиқланди. |
| 3 | 2004 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги аудит хулосаси тасдиқлансин. | 99,6 % овоз билан тасдиқланди |
| 4 | Тафтиш комиссиясининг 2004 йилдаги иш фаолияти қониқарсиз деб баҳолансин. | 99,4 % овоз билан тасдиқланди. |
| 5 | Тафтиш комиссияси таклиф этилган янги таркибда сайлансин. | 99,4 % овоз билан тасдиқланди |
| 6 | Бухгалтерия баланси ва 2004 йилдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги йиллик ҳисобот қониқарсиз деб тасдиқлансин. | 99,7 % овоз билан тасдиқланди. |
| 7 | Жамият 2004 йилни зарар билан якунлагани боис дивиденд ажратиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилсин. | 99,6 % овоз билан тасдиқланди. |
| 8 | 2005 йил учун бизнес-режа ҳамда даромад ва харажатлар сметаси тасдиқлансин. | 99,9 % овоз билан тасдиқланди. |
| 9 | 2005 йил учун таклиф этилган аудитор тасдиқлансин. | 99,9 % овоз билан тасдиқланди. |
| 10 | Жамият устави лойиҳаси янги таҳрирда тасдиқлансин. | 53,9 % овоз билан тасдиқланмади. |
| 11 | Кузатув кенгашининг таркибий миқдори 5(беш) кишидан иборат деб белгилансин. | 99,9 % овоз билан тасдиқланди. |
| 12 | Тожихўжаев Жаҳонгир Ўткурович бошқарув раиси этиб тасдиқлансин. | 99,8 % овоз билан тасдиқланди. |
| 13 | Бошқарув раиси билан тузиладиган меҳнат шартномаси лойиҳаси тасдиқлансин. | 99,8 % овоз билан тасдиқланди. |
| 14 | Бошқарув аъзоларининг таркибий миқдори 5(беш) кишидан иборат деб белгилансин. | 99,8 % овоз билан тасдиқланди. |
| 15 | Бошқарув аъзолари таклиф этилган таркибда сайлансин. | 99,9 % овоз билан тасдиқланди. |

# КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни Бош прокурор, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарди.

Йиғилишда Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари барчани яна бир карра ҳушёрликка ундагани, айни пайтда ёшларни турли ёт ғоялар, зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Давлат ҳокимияти органлари жамоат бирлашмалари вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллалар фаоллари, олимлар, таълим, маданият ва санъат намояндалари иштирокида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий ишлар савиясини янада юксалтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Оила кодексининг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришга оид қисмининг Қашқадарё ва Фарғона вилоятларидаги ижроси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги фаолияти тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Болаларнинг, айниқса, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг бошини силаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг азалий одатидир. Истиқлол йилларида бу борадаги ишлар давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўтган йили кам таъминланган оилаларга мамлакатимиз бўйича 116 миллиард сўмдан зиёд нафақа тўлангани бу ғамхўрликнинг амалдаги натижасидир. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг ҳар томонлама тўкис камол топиши учун барча шароит яратилган.

Хусусан, ўтган йили Қашқадарё вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг кутубхоналаридаги шароит янада яхшиланди. 93 нафар ногирон болага махсус аравачалар тақдим этилди.

Йиғилишда ўсмирларни, айниқса, коллежларни тугатаётган ёшларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам эътибор қаратилди. Бу борада мазкур вилоятларда муайян ишлар қилинаётгани таъкидланди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида коллежларни битирганларни иш билан таъминлаш учун қарийб 53 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Қарши ва Қамаши туманларида ёшлар маркази фаолият кўрсата бошлади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Фарғона вилояти комиссияси ташаббуси билан вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари жадал давом этаётир.

Йиғилишда мазкур вилоятлардаги васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари фаолиятида бу борада учраётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Уларни бартараф этишга оид тавсиялар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!*

**Ислом КАРИМОВ**

***Болажон ўзбек халқи учун фарзанд қувончидан ортиқроқ бахт йўқ. Кексаю ёш борки, бирор болакайни кўриб қолса, баҳри дили очилиб, ширинлик улашиш пайида бўлади. Шундан бўлса керак, болалар байрами Ўзбекистонда бошқача ўтади. Бу кун расман халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни деб аталса-да, юртимизда бу ҳамманинг байрамидек гўё. Кичкинтойлар қийқириб ўйнаганидан, катталар уларга қувонч улаша олганидан хурсанд.***

# ҲАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ!



Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу тадбирларда фаол иштирок этди. Жумладан, кеча ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда партиянинг Шайхонтоҳур туман кенгаши пойтахтимиздаги 98-сонли мактаб-интернатда хайрия тадбири ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари иштирок этдилар.

ЎзХДП МК раиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов болаларни байрам билан табриклаб шундай деди:

— Ўз келажагини буюк кўрмоқчи бўлган халқ, аввало, болалар тарбиясига аҳамият беради. Шу боис юртимизда ёш авлод тарбиясига устувор вазифа сифатида қаралади. Сизларга шунчалик шароит яратилган экан, азиз болажонлар, яхши ўқинглар, комил инсонлар бўлиб етишинглар. Сизлардан талабимиз ҳам, тилагимиз ҳам шу.

Байрам шодиёнаси қизиқарли ўйин ва куй-қўшиқлар билан давом этди. Шунингдек, жойларда партия ташкилотлари томонидан кам таъминланган оилалар болалари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокида турли спорт мусобақалари, хайрия тадбирлари ўтказилди.

Шундай тадбирлардан бири Самарқанд туман ҳокимлиги, ЎзХДП Самарқанд туман кенгаши, туман халқ таълими бўлими ҳамда Камолот ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида бўлиб ўтди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бир пиёла чой устида суҳбат қуришди. Уларга қизиқарли концерт дастурлари намойиш этилди. Болажонлар томонидан саҳналаштирилган бадиий чиқишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**11-мактаб ўқувчиси Нигина Салоева** кўзларида порлаб турган чексиз қувончини яширолмай шундай дейди:

— Бугун бизнинг байрамимиз. Қўшиқ айтдик, рақс тушдим... Мазза қилдик. Ҳаммага раҳмат!

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан қатор тадбирлар ташкил этди. «Кичкинтой чеҳрасидаги қувонч» дастури асосида ўтган тантаналар келажагимиз ворисларига олам-олам қувонч улашди. Айниқса, 1 июнь куни жойларда уюштирилган сайллар, кичкинтойлар ўртасидаги «Ким чаққон», «Ким паҳлавон», «Ким яхши рассом» кўрик-танловлари болаларда катта таассурот қолдирди.

Партия фаоллари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарларида, Навоий кон-металлургия комбинатида, «Навоийазот» бирлашмаси ҳамда «Қизилқумцемент» заводида бўлиб ўтган байрам тадбирларида ҳам болажонларга турли совға-саломлар улашилди. «Фарҳод», «Ширин», «Наврўз» маданият саройлари шу куни келажак ворислари билан янада гавжум бўлди.

Шунингдек, кеча Бухоронинг сўлим оромгоҳлари ҳам кун бўйи болажонлар билан гавжум бўлди. «Сомонийлар» истироҳат боғи, фавворалар майдони, хиёбонларда болалар учун турли кўнгилочар тадбирлар ташкил этилди. Корхона ва ташкилотлар, болалар муассасаларида ўтказилган шодиёналарда Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар ва туман кенгашлари фаол ташаббускор бўлдилар. ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан 4-болалар шифохонасида ташкил этилган тадбир «Бола кулса — олам кулар» деб номланди.

— Жамоамиз 26 минг нафардан зиёд болага тиббий хизмат кўрсатади, — дейди шифохона бош врачи, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Моҳира Содиқова. — Улар орасида 195 нафар ногирон, кўнгли кемтик болалар бор. Уларга алоҳида эътибор берилади.

Байрам тадбирида турли даражадаги ногирон болаларни ЎзХДП шаҳар кенгаши раиси Робия Козимова, 5-мусиқа мактаби директори Машраб Қодиров ва бошқалар қизғин табрикладилар. Шундан сўнг болажонларга ширинликлар, ҳар хил совғалар улашилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кенг нишонланди. ЎзХДП Қорақалпоғистон республика ҳамда Нукус шаҳар кенгашлари шаҳардаги ногирон ва сил касалига чалинган болалар мактаб-интернатларида ташкил этилган байрам тадбирларида иштирок этиб, болажонларга совға-саломлар улашди.

**Анвар САМАДОВ,**
**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**Музаффар ШАРОПОВ,**
**Даврон БАҲРОНОВ,**
**Реймбой ЕШИМБЕТОВ**

# ЎЗ ЙЎЛИМИЗ ВА СЎЗИМИЗ БОР

Маълумотларга кўра, ғаразли сиёсий мақсадларда дунё бўйлаб амалга оширилаётган террорчилик ҳодисаларининг 80 фоизи муқаддас ислом дини номи билан содир этилмоқда. Диний экстремистик гуруҳлар ўз сафларига ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни тобора кўпроқ жалб этишга интилмоқда, тобора кенгроқ ҳудудларга таҳдид солишга уринмоқда.

Афсуски, минтақамиз давлатларида диний экстремистик ташкилотларга қарши кураш бугунги кун талабларига жавоб бера олади, деб бўлмайди. Жумладан, баъзи қўшни давлатларда диний маълумотга эга имомлар етишмай турган вақтда масжидлар сонининг асоссиз ўсиб бориши, миссионерларга йўл очиб берилиши ва диний фаолиятни тартибга солувчи қонунларнинг талаб даражасида эмаслиги оқибатида мутаассиб гуруҳларнинг фаоллашувига замин яратилаётгани сир эмас.

Аслида «Ҳизбут-таҳрир» каби ислом ниқоби остидаги тажовузкор оқимнинг ислом динига эътиқод қиладиган бир ярим миллиард мусулмонни ўзига бўйсундириб олиш йўлидаги уринишлари ақлга сиғмайдиган ҳол. Масалан, Ўзбекистондаги «Ҳизбут-таҳрир» оқими тарафдорларининг асосий мақсадлари, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, бунёдкорлик муҳитини, фаровон ва осуда ҳаётимизни бузиш, мавжуд конституцион тузумни зўравонлик билан ағдаришга қаратилгандир. 1999 йил февралда Тошкентда содир этилган фожиали воқеалар, Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё, Тошкент вилоятининг Ангрен ва Бўстонлиқ туманлари тоғли ҳудудларида, 2004 йил март ва апрель ойларида Тошкент шаҳри ва Қибрай туманида ҳамда Бухоро вилоятидаги қўпорувчилик ҳаракатлари, Андижон шаҳридаги разилликлар шу қабиҳликларга йўналтирилган эди.

Ушбу ёвузликлардан кўзланган мақсад ва улар ортида қандай кучлар турганлиги ҳақида Президентимиз оммавий ахборот воситалари ходимларига берган баёнотида куюниб гапирди, уларнинг қабиҳ ниятларидан ҳаммани огоҳ қилди.

Дунёдаги баъзи оммавий ахборот воситалари вакиллари ва чет эллик сиёсатдонларнинг Андижондаги воқеаларга «эътибори»дан ҳам билса бўладики, бундай разилликлардан манфаат оладиганлар кўп. Улар четда туриб давлат тўнтариши қиладилар, фуқароларни бир-бирига қарши қўядилар, «сариқ» ёки «кўк» инқилобларни ташкил этадилар. Ўзбекистон бундай «ўйин»лар ўйналадиган майдон эмас.

Дунёдаги турли зўравонликлар ва тазйиқ ўтказиш сиёсати, давлатлараро худбинлик сингари иллатларни кескин рад қилиш, уларни юксак маданият ва умуминсоний қадриятларга таянган сиёсат билан бартараф этиш Ўзбекистоннинг бош йўлидир. Мамлакатимиз ўзи танлаган демократик эркин йўлдан қайтмайди.

**Баҳодир БОЙМУҲАММЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**

| | |
|---|---|
| Siyosat, partiya va xalqaro hayot | 136-55-05 |
| Ma`naviyat va ma`rifat | 133-69-45 |
| Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot | 133-20-36 |
| Parlament va huquq | 136-76-21 |
| Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq | 133-44-55 |
| Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik | 133-21-43 |
| Xatlar va ommaviy ishlar | 133-12-56 (Tel. Faks) |
| Mas`ul kotib | 133-72-83 |
| Reklama va e`lonlar | 133-38-55, 133-47-80 |

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

| | |
|---|---|
| Andijonda — | 25-32-70 |
| Buxoroda — | 222-10-92 |
| Gulistonda — | 25-03-80 |
| Jizzaxda — | 5-49-85 |
| Navoiyda — | 223-83-73 |
| Namanganda — | 6-43-43 |
| Nukusda — | 222-70-15 |
| Samarqandda — | 35-20-54 |
| Urganchda — | 226-51-35 |
| Farg`onada — | 26-43-62 |
| Termizda — | 3-79-98 |

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
**Alijon ABDURAHMONOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 555
8908 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda



# ХАЛҚ БАНКИ

BANK XALQ BANKI




*Мижозларга замонавий банк хизмат турларини жорий этган ҳолда* **«ИШОНЧ»** *ва* **«БАРАКА»** *сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.*

*Мазкур пластик карточкалар орқали — савдо муассасалари, ёқилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.*

*Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари даҳлсизлигини ошириш билан бир қаторда белгиланган фоиз даромадларини олиш имкониятига эгадир.*

**«ИШОНЧ»** *ва* **«БАРАКА»** *пластик карточкаларига Халқ банкининг барча туман (шаҳар) филиалларида эга бўлишингиз мумкин.*

**Халқ банкининг пластик карточкалари — бу Сизнинг кафолатланган ҳамёнингиздир!**


## «5-ТББЗ» ЁАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«5-ТББЗ» ЁАЖ бошқаруви шуни маълум қиладики, 2005 йил 30 июнь куни соат 11.00 да акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси «5-ТББЗ» ЁАЖ биносида қуйидаги манзилда ўтказилади: 700182. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Соловьёв кўчаси, 72-уй.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «5-ТББЗ» ЁАЖнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисобот.
2. 2004 йил учун йиллик ҳисобот ва бухгалтерлик баланси ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Аудитор текшируви ва Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2004 йилдаги фойда (зарари) ҳақида.
5. «5-ТББЗ» ЁАЖ Ижроия органини сайлаш.
6. «5-ТББЗ» ЁАЖ Кузатув кенгашини сайлаш.
7. «5-ТББЗ» ЁАЖ Тафтиш комиссиясини сайлаш.
8. 2005 йил учун бизнес-режани кўриб чиқиш.

**«5-ТББЗ» ЁАЖ Кузатув кенгаши**

## «LAZZAT» ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**Акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.**

***«Lazzat» ёпиқ акциядорлик жамиятининг йиллик умумий мажлиси 2005 йил 27 июнда қуйидаги манзилда ўтказилади: Гулистон шаҳри, Аҳмедов кўчаси, 3-уй.***

***Мажлис бошланиши:*** *соат 15.00 да.*

***Акциядорлар рўйхатдан ўтиши:*** *соат 13.00 дан 15.00 гача.*

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Жамият Ижроия органининг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари юзасидан ва 2004 йил бизнес-режасининг бажарилиши, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоби, қимматли қоғозлар ҳақидаги ҳисоботи.
2. 2004 йил учун Тафтиш комиссияси ва аудитор хулосаси.
3. Жамият Кузатув кенгаши ҳисоботи ва 2004 йил учун даромадни тақсимлаш.
4. 2005 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
5. Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш.
6. Жамият Тафтишчисини сайлаш.
7. Бошқа масалалар.

**«LAZZAT» Ёпиқ акциядорлик жамияти кузатув кенгаши**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши партия фаоли, Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги ҳудудий партия ташкилоти раиси

**Тошкенбой МАШАРИПОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# «ЎзБАТ АЖ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

## ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЮТЕРЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**«ЎзБАТ АЖ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сигарета маҳсулотларини сотиш бўйича «ЎзБАТ АЖ» ҚК нинг эксклюзив дистрибютерлар танловини эълон қилади.**

*Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:*

*1. Ташкилий-ҳуқуқий шакли — юридик шахс;*

*2. Номзод компаниянинг рўйхатга олинган жойи ҳақиқий фаолияти манзилига тўғри келиши шарт.*

*3. Устав фондининг минимал миқдори — 47 010 000 сўм (яъни энг кам иш ҳақининг 6 000 баробарига тенг);*

*4. Минтақа доирасида ўзига тегишли ёки ижарадаги рўйхатга олинган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун чакана савдо шахобчалари сони: камида 5 та (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида) ва камида 3 та (бошқа вилоятларда);*

*5. Минтақа чегарасида ўзига тегишли ёки ижарадаги ҳажми камида 10.000.000 дона сигареталар сақлашга етарли бўлган омбор бинолари мавжудлиги;*

*6. Тегишли банк ҳужжатлари билан тасдиқланган айланма капиталининг минимал миқдори — 20 000 000 сўм;*

*7. Қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси мавжудлиги:*

- *Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида гувоҳнома;*
- *Нотариал тарзда тасдиқланган Уставининг нусхаси;*
- *Улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома;*
- *Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Тамаки маҳсулоти билан савдо қилиш ҳуқуқига доир махсус рухсат гувоҳномаси (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзодни рўйхатдан ўтказилган ҳудуддаги давлат солиқ хизмати органларининг назорат-касса машинаси билан жиҳозланган турғун савдо шахобчаси мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзоднинг эгалигида — ижарасида омбор бинолари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*
- *Номзод банк муассасасида тегишли талаб қилиб олингунгача махсус иккиламчи депозит ҳисоб рақами (махсус ҳисоб рақами) очганлигини тасдиқловчи ушбу ҳужжатнинг рақамлари кўрсатилган ҳолда номзодга банк томонидан берилган ҳужжат.*

*Юқорида кўрсатиб ўтилган асосий талабларга қўшимча равишда, эксклюзив дистрибютерлардан «Сигарета маҳсулотларини «ЎзБАТ АЖ» ҚКси эксклюзив дистрибютерларига сотиш шартномаси»га мувофиқ бир қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олиб, уларни бажариш талаб қилинади. Бундай мажбуриятларнинг батафсил рўйхати номзодларга улар танловда иштирок этиш ҳақида ариза ҳамда юқорида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган ҳужжатларни тақдим этганларидан сўнг берилади.*

*«ЎзБАТ АЖ» ҚКсининг эксклюзив дистрибютерлар рўйхатига киритиш танловида иштирок этмоқчи бўлган юридик шахслар 2005 йил 1 июль куни соат 18.00 гача «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг бош директори номига* **юқоридаги 7 бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг нотариал тарзда тасдиқланган нусхаларини** *илова қилинган ва контакт маълумотлари кўрсатилган ҳолда тегишли аризани юборишлари шарт. Бундай ариза буюртма хат орқали ёхуд шахсан қуйидаги манзилга етказиб берилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77.*

*Номзодлар аризаларини кўриб чиқиш, тақдим этилган маълумотлар ва номзодларнинг белгиланган талабларга муносиблигини текшириш «ЎзБАТ АЖ» ҚКси бош директори буйруғи билан тасдиқланган «Ишчи гуруҳи ва махсус комиссиясининг фаолияти ҳамда «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибютерларини танлаш мезонлари тўғрисидаги Низом»га мувофиқ махсус комиссияси томонидан амалга оширилади.*

*Барча саволларингиз билан ҳамда батафсилроқ маълумот олиш учун Жамшид Холмуродовга ёки ёзма равишда қуйидаги манзилга: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77; ёки (+998 71) 120-53-39 рақамли факс орқали: ёки қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин:*

- *(+998 71) 120-53-14*
- *(+998 71) 120-53-51,*
- *(+998 97) 156-35-12*

*«ЎзБАТ АЖ» ҚК ДИРЕКЦИЯСИ*